Эътиборга лойиқ томони яна шундаки, КТда матн бўйлаб давом этиб келаётган кўтаринкилик асар сўнггида кескин ўзгаради, қаҳрамонлик дostonларига хос рух ўрнини хазин мазмун эгаллайди. Билга хоқон иниси Култегиннинг ўлиmidан қайгу-алам чекади: Иним Култегин вафот этди. Ўзим алам чекдим. Кўрар кўзим кўрмасдек, билар ақлим билмасдек бўлди, ўзим алам чекдим. Дунёни тангри ясайди, инсон боласининг бари ўладиган қилиб яратилган. Шунчалик алам тортдимки, кўзга ёш келса, азоб бериб кўнгилдан йиғи келса, қайта қайғурдим, қаттиқ чекдим (КТу. 50—51).

КТда бундай мазмуннинг акс этиши табиий. Чунки битик марҳум хотирасига ўрнатилган. Матн унинг оғаси тилидан сўзланмоқда.

БХга келсак, матннинг асосий хоқон тилидан келтирилган қисмида бундай мазмун учрамайди. Бироқ, битик ниҳоясида, хоқон сўзлари якунлангандан кейин унинг муаллифи Йўллуғ тегин ўз хотирасини битиб, отаси ўлиmidан чеккан аламини изҳор этади. Матннинг ушбу қисmidан узук-юлуқ жумлалар сақланган. Мана ўша қисм: ...Билга

хоқон вафот этди. Ёз бўлса, юқорида фалак(нинг) тоқи... тоғда кийик чопса, ўйлайман отам хоқон(ни) (Хс). Йўллуғ тегин худди шундай дарду аламини аввалги асари — КТнинг якунига ҳам ёзиб қолдирган. У ерда ҳам муаллифнинг дил сўзлари хоқон нутқидан кейин келтирилади. Мана ўша сатрлар: «Паноҳталаб ўғлонингизга, таянувчингизга қийинчиликда тарбият қилар эдингиз. Вафот этдингиз. Тангри яшатувчидир» (К. II).

Матннинг қайд этилган бўлакларини эпитафия (марсия) дейиш мумкин.

Матн тузилишидаги яна бир хусусияти, КТк. 1—2-сатрларидаги матн Хнинг 1—8-сатрларида, КТу. 1—30-сатрларидаги матн Х. 2—24-сатрларида такрорланади². Лекин кейинги битикдаги матн аввалгисининг айнан такрори эмас. Матиларнинг қиёсий таҳлилидан англашиладики, КТни ўриштириш чоғида Йўллуғ қўлида хоқоннинг кўрсатмаси билан битилган (эҳтимол, унинг ўзи айтиб ёздирган) матн бўлган. Табиийки, КТда ушбу матн ўзгаришсиз берилган. Кейинчалик, стасининг ўлимидан сўнг унинг шарафига битилган ёдномда ҳам Йўллуғ аввалги матидан фойдаланган: ундан керакли қисмини олиб, кейинги битикка ҳам киритган. Бироқ кейингиси хоқон сўзларининг асар муаллифи Йўллуғ томонидан қайта ишланган, таҳрир этилган, тўлдирилган вариантдир.

Яна бир жиҳати, БХ муқаддимаси аввалги битик муқаддимасининг ўзи билан охирламайди, у яна давом этади. Унга Билга хоқоннинг турк халқи учун қилган яхшиликларининг баёни ва улуг йўлбошчининг элга насиҳати ҳам қўшилган.

Хар иккала ёдноманинг асосий қисмларидаги такрорланувчи матида ҳам фарқ бор. БХнинг асосий қисми, аввалгисида фарқли ҳолда. «Тангри-таг тангри йаратмыш турук Билга қаган сабым» дея бошланади ва хоқон ўзининг тахтга ўтириб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлганлигини билдиради (Х. 1—2). Шундан кейингина, аввалги битикдаги матн келтирилган. Чамаси, БХни битиш жараёнида муаллиф хоқон сўзларини расмий ёрлик шаклида беришни маъқул кўрган.

Кўринадикки, КТ ва БХнинг муқаддимаси ва асосий бўлим (улуг битик)ларнинг илк фасли учун ягона матн асос манба бўлиб хизмат қилган. Асосий бўлимларнинг иккинчи фаслидан бошлаб хар икки асар мустақил ҳолда давом этади: КТда саркарданинг жасоратига оид хотиралар, оғанинг марҳум инисига эҳтироми; БХда эса Билга хоқоннинг эл биллиги, давлатни мустаҳкамлаш йўлидаги қаҳрамонликлари баён этилади.

Яна бир хусусияти, битикларда матннинг катта бир қисми Билга хоқон тилидан сўзланади. Жумладан, КТда асосий матн марҳумнинг оғаси тилидан берилган. Муаллиф Йўллуғ тегин эса мати охиридаги мангутош таърихига оид айрим қайдларнигина ўз тилидан битган, холос. БХда эса муаллиф нутқи ҳам салмоқли. Ёдноманинг муқаддима ва асосий қисми аввалги битикдаги каби хоқон тилидан ҳикоя қилинса, хотимасини муаллиф ўз тилидан келтиради.

² O'g'rin. Mogoliston tarihi eserleri atlası. 74—76-бетлардаги қиёсий матнга қаранг.

Ёдномаларнинг асосий қисми Билга хоқон тилидан келтирилуви бежиз эмас. Битикларда хоқон тилидан элга, аждодларга мурожаат этилади. Бу эса, ўз навбатида, матнларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини таъминлашга хизмат қилган. Йўллуғ тегин матнининг айни ижтимоий-сиёсий таъсирини назарда тутиб, ҳатто БХ хотимасидаги ўз ёрлигини ҳам хон унвони (турк Билга қаған сабум) билан бошлайди.

КТ ва БХ улуг хоқон ва саркарда хотирасига ўрнатилган оддий ёдномалар эмас. Уларда улуг йўлбошчи хоқоннинг бутун турк элига, келажак авлодларга мурожаати, ўғитлари, даъвати битилган. Ёдномалар ўрнатилган манзил улуснинг муқаддас зиёратгоҳига айланган эди. Эл бу даргоҳни зиёрат қилиб, хоқонига, миллий қаҳрамонларига хурматини билдирган, мангутошлардаги матнни ўқиб, ундан сабоқ олган.

КТ ва БХнинг бундай тузилганлиги кўк турк матнавислигида матн принциплари пухта ишлангандан далолат беради. Уша кезлар эпиграфик, хусусан, монументал матнларга тарих битиш кенг тус олди. Турк тарихнавислиги ўз йўлини эпиграфик матнларда бошлайди. Турк тарихнавислик мактаби шаклланиб, ривож топди. Тўнюқуқ, Йўллуғ тегин ана шу мактабнинг пешқадам намояндаларидан эди. Хусусан, Йўллуғ тегин матнавислик ривожига жуда катта ҳисса қўшди.

Кўк турк хоқонликлари даврида турк тарихнавислиги шаклланибгина қолмай, улкан такомил босқичига ҳам кўтарилди. Унинг такомил йўлини биринчи турк хоқонлиги даврида яшаб ўтган турк амалдори Махан тегиннинг ўлими муносабати билан 583—588 йилларда ўрнатилган сўғдча Буғут ёдномасидан бошлаб VIII асрнинг бошларида туркий тилда ўрнатилган урхун ёдномаларида кузатиш мумкин. Муаррих, адиб Йўллуғ тегин ана шу анъанани ривожлантириб, уни юқори босқичга кўтарди. Тарихнависликда матн тузишнинг тамом янги, ўзига хос усулини яратди.

Унинг асарлари матн қамровининг кенглиги билан ажралиб туради. Битикларда турли тип матнларнинг аралаш қўллангани, хоқон мурожаати, ёрлиқлар, ҳатто марсия ва таърих (колофон)нинг муайян изчилликда умумий қолипга жойлаштирилганини кузатиш мумкин. КТ ва БХ мазмун ва шакл эътибори билан кўк турк матнавислигининг кашфиётидир.

Кўк турк матнавислигининг монументал матн анъаналари узоқ давом этди. Унинг таъсирини кейинги даврларда, хусусан, уйғур хоқонлигида битилган эпиграфик матнларда яққол кузатамиз. Маюн-Чур, Сужа битиклари бунга мисол бўла олади.

Ислон даврида Ўрта Осиё халқлари, хусусан, туркларда эпиграфик матн, қабр тошлари битиш тамом ўзига хос йўлга ўтди. Матн мундарижаси ва тузилиши ҳам ўзгарди: кўк турк хоқонликлари даври битиктошларидаги матн кенг қамровлиги, аввалги битиктошларда акс этган эпосларга хос қаҳрамонлик мотивлари ўрнини исломий мазмун эгаллади, тарихий воқеалар аввалгидай тўла-тўқис ёзилмайдиган бўлди. Энди эътиборли кишилар хотирасига ўрнатилган битиктошларда бош ўрнида Аллоҳнинг исми-сифатлари (ал-асма ал-хусна),

Қуръони Карим оятлари битиладиган бўлди. Марҳум шаънига марсиялар битилди ва ҳ. к. Лекин урхун битикларида шаклланган ва такомил этган тарихнавислик, матнавислик анъанаси изсиз кетгани йўқ. Бу анъана ўрта аср шаронтида тарих китобларига кўчиб, ривожланишда давом этди.

КГ		БХ	
матн қисмлари	матн сатри	матн қисмлари	матн сатри
Муқаддима: (Билга хоқон сўзи)		Муқаддима: (Билга хоқон сўзи)	
1) Билга хоқоннинг му- рожаати	КТк. 1-2		Хб. 1
2) Тасарруфидаги ерлар- нинг кенглиги, ўзи эл тинч- лигининг таянчи эканлиги ҳақида таъкид	КТк. 2-3		Хб. 2
3) Турк элини душман- дан озод этиб, давлатни тиклаганлиги ҳақида маъ- лумот	КТк. 3-10		Хб. 2-8
4) Турк беклари, халқи- га хитоб (турк бағлар бо- дун буны асидинг!). Ушбу битикда хоқоннинг даъвати ёзилганлиги ҳақида таъкид	КТк. 10-11		Хб. 8
		5) Билга хоқоннинг турк халқи учун қилган яхши- ликларининг баёни	Хб. 9-12
		6) Элга насиҳат	Хб. 13-14
Илова: (Пўллуғ тегин сўзи)		Илова: (Пўллуғ тегин сўзи)	
1) Пўллуғ тегиннинг бит- тик ўрнатилувчи ҳақидаги маълумоти	КТк. 11-13	1) Пўллуғ тегиннинг бит- тик ўрнатилиши ҳақидаги маълумоти	Хб. 14-15
2) Битик муаллифи ҳа- қида маълумот	КТк. 13 К. 1	2) Битикнинг ёзилиш муддати (34 кун) ва муал- лифи ҳақидаги қайд	Хб. 15 (?) Х. 1.
Асосий қисм: (Билга хоқон сўзи)		Асосий қисм: (Билга хоқон сўзи)	
		в) Билга хоқон му- рожаатининг бошламаси (Тангри-таг тангри йарат- мыш турк. Билга қағам са- бам)	Х. 1

КТ матн қисмлари	матн сатри	БХ	матн сатри
		матн қисмлари	
		б) Билга хоқон тахтга чиқиб давлатни мустақкамлагани ҳақида маълумот (билдиргулик)	X. 1-2
1) Билга хоқоннинг сабоқ бўлсин дея келтирган турк улусининг ўтмиши (I турк хоқонлигининг барпо этилувчи, унинг инқи-рози, II хоқонлигининг барпо этилиши) ҳақидаги ҳикояси	КТу. 1-10		X. 2-9
2) Элтараснинг элни табғач қарамлигидан озод этиб, давлатни барпо этганлиги ҳақида маълумот	КТу. 11-15		X. 10-12
3) Элтараснинг вафоти, тахтга Бўғу хоқоннинг чиқиши ҳақида маълумот	КТу. 16		X. 13-14
4) Бўғу тахтга чиққан кезде, Билганинг тардушлар устидан шод эканлиги ҳақида қайд	КТу. 17		X. 14-15
5) Бўғу ва Билганинг турк давлатни матни мустақкамлаш йўлида биргаликда олиб борган фаолияти ҳақида маълумот	КТу. 17-22		X. 15-18
6) Турк ўғуз беклари, халқига хитоб (турк оғуз баглари, бодун, асидинг!) Давлатнинг парчаланишидан ташвиши	КТу. 22-24		X. 18-19
7) Билганинг тахтга чиқиш сабаблари	КТу. 25-26		X. 20-21
8) Турк давлатини мустақкамлаш йўлида Билга хоқон ва Култегиннинг ҳамкорликда олиб борган фаолиятларининг баёни. Култегин жасорати ҳақида	КТу. 26-49	8) Билга хоқоннинг турк давлатини мустақкамлаш йўлида олиб борган фаолиятлари, курашлари ҳақида маълумот	X. 1-41, X II, Ха. 1-13
Хотима:		Хотима: (Пўллағ тегин сўзи)	
1) Билга хоқоннинг ўз уруғларига Култегинни эс-латиб чеккан азияти	КТу. 4 -50	1) Билга хоқон ўлими ва дафн маросимининг таърихи	Ха. 10

КТ		БХ	
матн қисмлари	матн сатри	матн қисмлари	матн сатри
2) Эпитафия (марсия)	КТу. 50-51	2) маросим тадбири ҳақидаги қайдлар	Ха. 10-12
3) Култегиннинг ўлим маросими ҳақида маълумот	КТу. 51-53	3) Ыўллуғ тегин ёрлигининг бошламаси (Тангри-таг тангри йаратмыш турук Билга [қағай] сабым)	Ха. 13
4) Култегин ўлими, йўғ маросимининг таърихи	К III.	4) Билга хоқон тахтда эканлиги чоғида қозонган шуҳратининг таърифи	Ха. 13-15
		5) Ыўллуғ тегинининг Билга хоқон ўлимидан чеккан азияти (эпитафия)	Хс.
Илова: (Ыўллуғ тегин сўзи)		Илова:	
1) Ыўллуғ тегинининг мазкур битикни йутинма кун ўтириб битганлиги ҳақидаги маълумоти	К. II	1) Ыўллуғ тегинининг мазкур битикни битганлиги ҳақидаги маълумоти	Х. I

Б. Кочнев, Э. Ртвеладзе

ФЕЛЬСЫ ТЕРМЕЗА 346/957—958 гг. ТЮРКСКОГО АМИРА КУТТЕГИНА

Насколько позволяют судить опубликованные данные, в саманидское время монетный двор в Термезе был, но работал эпизодически, а продукция его представлена пока лишь дирхемами (серебряными монетами) 293/905—906, 299/911—912 и 300/912—913 гг.¹ Каких-либо сведений о медном саманидском чекане Термеза в пумизматической литературе нам обнаружить не удалось, в том числе и в фундаментальном труде Э. Цамбаура о монетных дворах мусульманского мира. Тем важнее выявление термезских фельсов 346/957—958 гг.

Первый такой фельс найден в 1950 г. в ходе работ Варахшанской экспедиции на городище Варахша (Бухарский оазис) или в его ближайших окрестностях². Более точных данных об условиях находки в составленной В. А. Шишкиным описи³ нет. Судя по ней, не установленным осталось наименование монетного двора: оно читается уверенно, но слово «единиц» в дате не сохранилось. Три фельса того же типа обнаружены в 1980 г. сотрудником Сурхандарьинского областного музея К. А. Шейко при раскопках известного археологического памятника

¹ Zambaur E. Die Münzprägungen des Islams. Bd.1. Wiesbaden. 1968. P. 88.

² Хранится в фонде Института археологии АН РУз (г. Самарканд, инв. № 594).

³ Хранится в фонде Института археологии АН РУз.

ка «Курган», расположенного на городище Старого Термеза. Битые разными штемпелями, два из них сохранили дату, один — название монетного двора. Наличие четырех однотипных экземпляров позволяет дать полное описание типа.

Термез 346/957—958 гг. В — 1,7; 1,7; 1,7; 1,8; д — 22—23 мм. Об. ст., поле: Абд ал-Малик; круг лег.: ал-Амир Куттегин.

Л. ст. В поле: Калима. Об. ст. В поле: Богу/Мухаммад, посланник Аллаха/Абд ал-Малик.

Внизу украшение. Кругом, между двумя однолинейными ободками:

Во имя Аллаха бит этот фальс в Тармизе году триста сорок шестом.

Кругом, между внутренними и внешними однолинейными ободками:

Из того, что приказал ал-амир Куттегин, да прославит его Аллах!

Не требует обсуждения принадлежность помещенного в нижней части поля об. ст. имени Абд ал-Малик—саманидского государя Абд ал-Малика б. Нуха (343—350/954—961). Сложнее с именем другого упомянутого на монете (в кругл. лег. об. ст.) правителя, названного амиром. Не ясно даже, как правильно читать это слово. Встретившись с тем же словом на близких по времени дирхемах Балха, К. Торнберг считал его «тюркским именем Актегин»⁴, В. Г. Тизенгаузен видел в нем собственное имя Фатегин⁵, а Р. Р. Фасмер читал как «Категин», отождествляя носителя этого имени с упоминанием в рукописных источниках Категина (Гардизи) или Хатегина (Ибн ал-Асир)⁶. В любом случае вторым компонентом данного имени служит тюркское слово «тегин». Для первого же компонента ни один из предлагавшихся вариантов чтения удовлетворительного значения не дает.

Более убедительна точка зрения В.В. Настича, предлагающего читать данное имя как Куттегин/Хуттегин⁷. Кроме основного первоначального значения «счастье», «благо», «благодать», «благополучие», «удача», «успех», «счастливый удел», слово «кут/хут» имеет также переносное — «достоинство», «величие», «величество» и может выступать как самостоятельное имя собственное или в составе сложных имен⁸. Гардизи приводит имя «Хутуглан», в котором В. В. Бартольд видел Кутоглан⁹ и на основе которого (а также китайского Ху-дэ-лэ) Л. Н. Гумилев реконструировал имя Куттегин¹⁰. Существование такого

⁴ Tornberg C. J. Über die sagenannten Wertzeichnungen auf muhammedaischen Münzen//ZDM. G. XIX. 18. P. 630.

⁵ Тизенгаузен В. Г. О саманидских монетах//ТВОРАО. Ч. 1. Сб., 1855. С. 210.

⁶ Фасмер Р. Куфические монеты Переяславского клада//Изв. ИАК. Вып. 51. Пг., 1914. С. 31.

⁷ Высказано в личной беседе.

⁸ Древнетюркский словарь. Л., 1969. С. 471—472, 638.

⁹ Бартольд В. В. Извлечение из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар». Приложение к «Отчету о поездке в Среднюю Азию с научной целью. 1893—1894 гг.» Соч. Т. VIII. М., 1973. С. 26, 43.

¹⁰ Гумилев Л. Н. Древние тюрки. М., 1967. С. 430.

имени тем более вероятно, что у Байхаки упоминается Кутлуттегин¹¹. Таким образом, имеется достаточно оснований читать это имя как Куттегин (соответственно Хуттегин, а не Хаттегин), хотя тюркологи, возможно, смогут предложить и иное чтение.

По Ибн ал-Асиру, Куттегин был вольноотпущенником Каратегина, управлявшего Балхом при Саманиде Насре б. Ахмеди (301—331/914—943), и в 337/948—949 гг. — наместником Буста и ар-Рухаджа. В этом году саманидский государь Нух б. Наср (331—343/943—954) женился на дочери Хуттегина. Согласно рассказу Гардизи, в рамадане 345/конце 956 г. Куттегин, которого этот автор называет хашинадаром (т. е. казначеем), присутствовал при убийстве хорасанского наместника Бакра б. Малика начальником гвардии Алптегином в Бухаре¹².

Монетные данные существенно дополняют сведения рукописных источников. Имя Куттегина проставлено на дирхемах Балха 339/950—951¹³, 340/951—952¹⁴, 342/953—954¹⁵, 343/954—955¹⁶, 344/955—956¹⁷, 345/956—957¹⁸, 346/957—958¹⁹ и 348/959—960 гг.²⁰, а также на фельсах Бухары 347/349/958—961 гг.²¹ и, как показывают публикуемые монеты, фельсы Термеза 346/957—958 гг. Будучи на одном из ранних этапов своей карьеры правителем сравнительно небольшого владения в Восточном Систане, в 339/950—951 гг. или несколько раньше (но не ранее 337/948—949 гг.), Куттегин возвысился, став, судя по монетам, правителем Балха (и его области). Власть Куттегина распространялась и на Термез, по крайней мере в 346/957—958 гг., но очень вероятно на протяжении всего примерно десятилетнего периода, когда он владел Балхом (около 339—348/950—960 гг.): в саманидское время власть над Термезом и Балхом нередко объединялась в одних руках, как это было, например, с местной династией Абу Даудидов, чекнявших дирхемы в обоих городах.

На термезских фельсах 346/957—958 гг. Куттегин упомянут в круговой лег. об. ст. после формулы «Из того, что приказал...». Как убедительно показала Е. А. Давидович, проанализировав массовый материал на медных монетах удельного чекана, эта формула вводит упоминание тех лиц, которым «принадлежали реальные права на город

¹¹ Байхаки Абу-л-Фазл. Пер. с перс., введ., комм. и прил. Арэндса А. К. Изд. 2, доп. М., 1969. С. 193, 194, 377.

¹² Фасмер Р. Р. Указ. соч. С. 31.

¹³ Марков А. К. Инвентарный каталог мусульманских монет Императорского Эрмитажа, 1896. С. 178. № 2.

¹⁴ Törnberg C. Y. Über die Ausgrabungen arabischen Geldes in schweden bin-
nen der letztenzwei jahre 1855 und 1856//ZDMG. XI. 1857. P. 544.

¹⁵ Тизенгаузен В. Г. Указ. соч. С. 203, 205.

¹⁶ Янина С. А. Второй Неревский клад кувических монет X в.//Новые ме-
тоды в археологии. Труды Новгородской археологической экспедиции. Т. III. М.,
1963. С. 326. № 437, 438.

¹⁷ Фасмер Р. Р. Указ. соч. С. 30—31.

¹⁸ Коллекция В. Н. Настича (г. Алматы). Пользуемся случаем выразить при-
знательность В. Н. Настичу за сведения об этой монете.

¹⁹ Янина С. А. Указ. соч. С. 326. № 439.

²⁰ Отдел нумизматики Государственного Эрмитажа. Инв. № 6266; 6267.

²¹ Тизенгаузен В. Г. Указ. соч. С. 210, 211, 250.

или область, в том числе монетная регалия», а сами города (области) представляли собой феодальные владения, основанные на пожаловании за службу или оформленные как таковые²². Очевидно, публикуемые монеты открывают еще один случай такого пожалования, а Куттегин позволяет квалифицировать как жалованного владельца, которому принадлежали Термез, право на определенные доходы с него и монетная регалия. Если справедливо предположение, что Куттегин владел Термезом на протяжении, по крайней мере, 339—348/950—960 гг., то кратковременность медного термезского чекана может свидетельствовать о том, что и право выпуска фельсов было предоставлено на короткий срок, тогда как остальные, связанные с пожалованием права, — на большее время. Ничего невозможного в этом нет: из четырех категорий наместничества, выделенных Е. А. Давидович с точки зрения монетного чекана, первая характеризуется отсутствием такового²³. Иными словами, Термез мог становиться объектом пожалования чаще, чем местом производства фельсов удельного чекана, т. е. публикуемые монеты не могут служить ни свидетельством чрезвычайной редкости пожалования Термеза, ни, тем более, показателем слабой потребности этого важного торгово-экономического центра в собственной разменной монете.

²² Давидович Е. А. Новые данные по истории Саманидов (клад медных монет IX—X вв. из Самарканда)/Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура). М., 1977. С. 117, 121.

²³ Давидович Е. А. Нумизматические материалы для истории развития феодальных отношений в Средней Азии при Саманидах. Рт./АН Тадж. Т. XXVII. Душанбе, 1954. С. 103.

Г. Аъзамова

СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАР ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИ: УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК (ШАҲАР ДЕВОРЛАРИ МИСОЛИДА)

Сўнги ўрта асрларни қамраб олган XVI—XIX асрнинг биринчи ярами Ўрта Осиёнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида шаҳарлар тугган ўрни беқиёс эди. Шаҳарлар бу ҳудудда асрлар давомида шаклланган ва ривожланган давлатчилик анъаналари ҳамда маҳаллий аҳоли тараққиётини кўрсатувчи асосий мезонлардан биридир.

Шаҳарлар ҳақида сўз борар экан, қайд этиб ўтиш лозимдирки, кўрилатган давр мобайнида Ўрта Осиё ҳудудида ҳажми, аҳолисининг сони ва жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ривожланиш даражаси турлича бўлган, маданий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-бирдан фарқланувчи кўплаб катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эди. Шу билан бирга шаҳарларни тавсифлашда эътиборга лойиқ умумий ҳолатлар ҳам мавжуд. Улар Ўрта Осиё шаҳарлари тараққиётининг айрим умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлашда ёрдам беради. Бу ҳолат, айниқса шаҳарларнинг ташқи кўринишида яққол кўзга таъ-

ланади. Табиийки савол туғилади — сўнгги ўрта аср шаҳарлари қандай ва қай тарздаги ташқи кўринишга эга эди? Қайд этиб ўттиш жоиздирки, одатда, Ўрта Осиёдаги сўнгги ўрта асрларга қадар мавжуд бўлган, кўрилатган даврга келиб тараққиёт пиллапоялари ва инқирозли даврларни ўз бошидан кечирган ҳамда айнан мана шу даврда бу қадим ўлкада вужудга келган янги шаҳарлар ҳам деворлар билан ўраб олинган эди. Шаҳарларнинг деворлар билан ўраб олинishi Ўрта Осиё шаҳарларини тавсифлашда уларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган асосий ҳолатлардан биридир.

Шаҳар деворлари, одатда, улар аҳлини турли-туман ташқи хавфдан ҳимоя қилиш, шунингдек, шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, ундаги ички тартиб, аҳолининг тинч ҳаёти ва соғлом турмуш тарзини бир маромда ушлаб туришда муҳим аҳамиятга эга эди.

Аҳолини ташқи хавф ва душманлар тажовузидан ҳимоя қилувчи восита сифатида шаҳар деворлари маҳобатли, мустаҳкам қурилган. Бу ўринда XVI аср муаллифи Зайниддин Восифийнинг Самарқанд девори ҳақида муболага билан айтган қуйидаги сўзлари характерлидир: «Карвон Самарқанд шаҳар дарвозасига етгач, шундай бир шаҳарни кўрди-ларки, ғоят мустаҳкам ва маҳкам. Деворнинг баландлиги шу қадар эдики, агар фалак ҳўкизи унинг тепасидан ўтганда кўнгурасининг кези қоринини йиртган бўларди»¹. Деворлар атрофи, ўз навбатида таркиб топган анъанага кўра, хандақлар билан ўралган бўлиб, улар сув билан тўлдирилар ва ўзига хос ишончли ҳимоя воситаси вазифасини ўтар эди. Хандақлар турлича чуқурликка эга бўлишлари мумкин эди. Юқорида номи зикр этилган Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Самарқанддаги шаҳар девори хандақининг чуқурлиги шу қадар эдики, «ер ости ҳўкизи унинг қаъри сабзаворида ўтлаб юрарди»².

Шаҳар деворлари улар атрофидаги хандақлар билан биргаликда ташқи хавф кучайган ва ҳарбий ҳаракатлар авж олган йилларда ўзига хос ишончли ва энг яхши ҳимоя воситаси ҳисобланган. Сўнгги ўрта аср муаррихи Мирза Махдихон Астрабодийнинг Ҳазорасп ҳақида ёзган қуйидаги сўзлари бунинг ёрқин далилидир. Унинг ёзишича, «... хандаққа эга бўлганлиги ва мустаҳкам девор билан ўралганлиги туфайли... бу қалъага ҳужум қилиш соғлом фикрдан узоқ иш эди»³. Шу билан бунга қадар Ўрта Осиёнинг кўп ерларини босиб олишга улгурган Эрон шоҳи Нодир ҳам бу шаҳарни ишғол қилиш фикридан воз кечган эди.

Шаҳар деворлари, одатда, пахса девордан бўлган. Баъзан деворлар қурилишида гиштдан ҳам фойдаланганлар. Бунинг 1697 йил Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус кишиси Федор Скибиннинг қуйидаги сўзларидан ҳам яққол кузатиш мумкин. Бухоро ҳақида ёзар экан, у: «Бухоро шаҳри ҳам қурилиши ва баландлиги билан Туркистондек», — деб қайд этган ҳолда Туркистон ва бошқа шаҳарлар тупроқ билан ўрал-

¹ Зайниддин Восифий. Бадоеуль-вақоъ (Нодир воқеалар). Форсийдан Н. Норқулов таржимаси. Тошкент, 1979. 16-бет.

² Уша ерда.

³ Мирза Мехди-хан Астрабадский. Тарих-и Надири. Перевод извлечения/Под ред. Ромаскевича А. А.//Материалы по истории туркмен и Туркмении. М.: Л., 1938. Т. II, С. 138.

гани», улар устига «хом ғишдан девор ўрнатилгани», деворнинг тупроқ билан биргаликдаги баландлиги 3,5 саржин, қалинлиги эса 1,5 саржиндан ортиқ ёки камлигини қайд этар экан, баъзи шаҳарлар атрофи ғиштсиз лой девор билан ўралганини кўрсатиб ўтади⁴. Бухоро деворига онд бу фикрни шаҳарда бўлган Флорио Беневени 1725 йили шаҳар атрофидаги девор «лой ва хом ғишдан қурилган»⁵, — деб тасдиқлаган эди. Бу маълумотни 1812—1813 йили Ўрта Осиёга келган Ҳиндистонлик Мир Иззат Улла ва бошқа шоҳидлар ҳам тасдиқлайдилар⁶.

Бухоро хонлигининг мустақкам деворлар билан ҳимояланган шаҳарларидан бири Самарқанддир. XVI аср муаррихи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг кўрсатишича, Амир Темур «ҳижрий етти юз етмиш учинчи йилда ҳозир мавжуд бўлган шаҳарбандни қуришга киришиб, қисқа вақт ичда уни қуриб тамомлаган» эди⁷. Бу девор кейинги асрлар мобайнида ҳам ўз кўринишини сақлаб қолган. Самарқанд ҳақида ёзган XIX аср муаллифи, шаҳар деворларининг яхши ҳолатда сақланиб қолганлигини қайд этган.

Мустақкам девор билан ўралган Бухоро шаҳарларидан бири Термиз эди. Шаҳар деворини XVI аср муаррихи «жуда қудратли»⁸, деб таърифласа, XVII аср муаллифи Маҳмуд ибн Вали эса «шаҳар мустақкам девор билан ўралган»⁹, — деб қайд этади. Бухоро хонлигининг бошқа кўнгина катта ва кичик шаҳарлари ҳам лой деворлар билан ўралган эди. XIX аср ўрталарида Бухородаги асирликдан қайтган Корнило Суворовнинг кўрсатишича Каттақўрғон, Зиёуддин, Қармана, Янгиқўрғон, Керки, Қарши, Жиззах ҳам лой девор билан ўралган эди¹⁰. Бу маълумот шу асрнинг бошқа муаллифлари фикрини ҳам тасдиқлайди. Хусусан, юқорида номни зикр этилган Мир Иззат Улла Жиззахни «шаҳар мавқеига етувчи катта қишлоқ» сифатида таърифлаб, унинг ҳам лой девор билан ўралганини қайд этади¹¹.

Шаҳарларни девор билан ўраб олиш анъанаси Ўрта Осиёнинг бошқа бир хонлиги — Хивада ҳам мавжуд эди. XVI асрда бу юртга ташриф

⁴ Сыское дело. 1697 г. О дороге в Хиву//Туркестанский сборник. Т. 5. Спб., 1869. С. 399—400.

⁵ Посланик Петра I на Востоке. Посольства Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718—1725 годах. М., 1986. С. 124.

⁶ Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. Свободный текст по английскому и французскому переводам/Перевод и примечания Соколова Ю. А. с приложением схемы пути Мир Иззет Уллы в Кокандских владениях//Труды САГУ. Вып. XXVIII. Исторические науки. Кн. II. Ташкент, 1956. С. 201.

⁷ Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдуллонома (Шарафномаи шоҳӣ). Форсадан филология фанлари номзоди С. Мирзаев таржимаси. II жилд. Тошкент, 1969. 241-бет.

⁸ Хафиз-и Таниш Бухари. Шараф-наме-йи шахи (Книга шахской славы). Факсимиле рукописи. Д. 88/Перевод с персидского, введение, примечания и указатели Салахетдиновой М. А. Ч. II. М., 1987. С. 97.

⁹ Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География)/Введение, перевод, примечания и указатели Ахмедова Б. А. Ташкент, 1977. С. 34.

¹⁰ Галкин М. Н. Показания русских пленных, возвращенных из Бухары в 1858—1859 гг.//Этнографические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. ЗИРГО по отделению этнографии. Ташкент, 1867. С. 64.

¹¹ Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. С. 194.

буюрган «Москва савдо компанияси»нинг вакили — англиз Антоний Женкинсон унинг йирик шаҳарларидан бири Урганч ҳақида ёзар экан, шаҳар «текисликда жойлашган ва узунлиги 4 мил атрофидаги лой деворлар билан ўралган»лигини қайд этади¹². Бунн XIX аср муаррихи Муниснинг XVI асрга оид қуйидаги маълумоти ҳам тасдиқлайди. Унинг ёзишича, шу аср ҳукмдори Сўфийхоннинг ўғли Юнусхон Урганч деворининг ходалари орқали ундан ўтган ва «шаҳар ичига кирган»¹³.

XVIII асрда Хивада бўлган рус геодезисти И. Муравин «Хиваликлар ҳукмронлиги остида лойдан қурилган саккизта шаҳар бор (уларнинг) деворларининг баландлиги беш ва олти саржин; атрофида қайалар (хандақлар — Г. А.) қазилган»¹⁴, — деб қайд этган эди. Бу маълумоти XIX аср 20-йилларига оид материаллар ҳам тасдиқлайди. Уларга кўра, Хива хонлигининг шаҳарлари — Ҳазорасп, Хонқа, Гурлан, Хўжайилилар «ўша ердаги бошқа шаҳарлардаги каби уларнинг ҳаммаси лой девор ва хандақлар билан ўралган»¹⁵.

Хива хонлиги шаҳарларини ўраган деворларга оид бирмунча аниқ маълумотлар XIX асрининг 40-йилига мансуб бўлиб, уларга кўра Янги Урганч «225 саржин узунликка, 200 саржин кенликка эга лой девор билан ўралган эди». Хонлиқнинг кучли қалъаларидан ҳисобланган Ҳазорасп эса «тўртбурчак... лой девор билан ўралган. Деворининг ҳар томони 185 саржин узунликка эга ва 2 саржин баландликка эга» эди. Хонқа шаҳри эса «квадрат шаклидаги ... лой девор билан ўралган бўлиб, деворининг ҳар томони 100 саржиндан иборат эди». Хонлиқнинг Шохобод шаҳри ҳам «тўртбурчак лой девор билан ўралган бўлиб... унинг баландлиги 2,5 саржин, ҳар томонининг узунлиги 500 саржинга тенг тўртбурчакли девор билан ўралган»¹⁶.

Хонлик пойтахти — «забт этиб бўлмайдиган қалъа» сифатида машҳур бўлган Хива икита деворга эга эди. Шаҳарнинг асосини ташкил этган ички шаҳар — Ичонқалъани қамраб олган деворни сўнгги ўрта асрлар муаллифлари қуйидагича таърифлаганлар. Хусусан, XVIII асрнинг 40-йили бу шаҳарга ташриф буюрган геодезист Д. Гладишевнинг кўрсатишича, шаҳар лой девор билан ўралган эди¹⁷. 1753 йили Хивада бўлган савдогар Данила Рукавкин шаҳар «Тўртбурчак шаклидаги лойдан қурилган девор билан ҳимояланган», унинг бурчакларида, шунингдек, хавфли ерларида «қоровуллар учун будкалар ўрнатилган»¹⁸, — деб

¹² Д. Женкинсон. Путешествие в Хиву и Бухару//Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке/Перевод с английского Готье Ю. В. Л., 1937. С. 477.

¹³ Фирдавс ал-Икбал/Перевод, извлечение и примечания//Материалы по истории Казахских ханств. Алматы, 1961. С. 444.

¹⁴ Приложения к показаниям Муравина. Журнал описаний по киргизкайсакам, каракалпакам, аралцам и хивинцам. Описание месяца ноября. 1740. С. 74.

¹⁵ О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии//Азиатский вестник. СПб., 1826. С. 52.

¹⁶ Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковником (ныне полковником) Генерального Штаба Г. И. Данилевским, который в том же году возвратился из Хивы...//ЗИРГО. Кн. V. СПб., 1851. С. 103.

¹⁷ Приложения к показаниям Муравина. С. 179.

¹⁸ Путешествие из Оренбурга в Хиву самарского купца Рукавкина в 1753 году с приложением разных известий о Хиве с отдаленных времен до ныне//Туркестанский сборник. Т. 385. СПб., 1883. С. 389.

кўрсатган эди. XIX асрнинг 20-йилига оид маълумотларга кўра эса, пойтахт шаҳарнинг «атрофи учта дарвозали гишт девор билан ўралган бўлиб, кенглиги 10 саржин, чуқурлиги 2 саржин, Амударё суви билан тўлдириладиган канал (хандақ — Г. А.) билан ўралгандир»¹⁹, — деб қайд этилади.

XIX асрнинг 40-йили Г. И. Данилевский, шаҳарнинг ички қисми — «Ичонқалъа» деворининг анча таърифиди беради. Унинг ёзишича, Ичонқалъа девори «шаҳарнинг асосий қисмини чегаралаб, унча катта бўлмаган тепаликда қурилгандир ва анча узунчоқ тўғри тўртбурчак шаклига эга. Бурчакларида тўртта минора бўлиб, унинг узунлиги 320, кенглиги 200 саржин бўлиб, айланасининг узунлиги 2 чақириму 40 саржинга тенг; деворнинг баландлиги 3,5 саржин, эни паст қисмида 4 саржин, тепа қисмида 1 футдан иборат» эди²⁰. Бу деворнинг «қачон қурилганини ҳеч ким эслолмайди»²¹, — деб қайд этган эди XIX асрдаги бошқа бир муаллиф.

Хива шаҳрининг ташқи қисми — Дишанқалъа девори эса 1842 йилда қурилган экан. Девор Ичонқалъа билан бирга шаҳар атрофларини қисман ўраб олган. Янги девор овал шаклида бўлиб, «унинг айланаси 6 чақириму 100 саржин; унинг бошқа ўлчамлари ички девор билан бир хил»²², — деб қайд этган эди Г. И. Данилевский.

Қўқон хонлиги шаҳарлари деворлар билан ўралиши жиҳатидан Бухоро ва Хива хонликларидан фарқ қилади. XIX аср муаллифлари Қўқон шаҳарлари деворлар билан ўралмаганлигини қайд этадилар. Хусусан, улардан бири — А. Кун «... Марғилондан бошлаб, биз девор билан ўралган шаҳарларни жуда кам учратамиз»²³, — деб қайд этган. XIX аср рус муаллифларининг бу фикрлари бир ёқламадир. Чунки, XVIII аср бошларидагина Бухоро хонлигидан ажралиб чиққан Қўқон хонлигида Фарғона водийсининг қадим ва навқирон шаҳарлари жойлашган эди. Шунингдек, янги давлат тузилмасининг айрим ҳукмдорлари томонидан баъзи бошқа шаҳарлар ҳам унга қўшиб олинган эди. Бу шаҳарларнинг кўплари деворлар билан ўралган. Улардан бири Андижон бўлиб, у ҳақда маълумот берган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Шаҳарда учта дарвоза бор»²⁴, — деб ёзади. XVII аср муаллифи Шоҳ Маҳмуд ибн Мирза Фозил Чурас ҳам 1660 йили Андижоннинг қамал қилиниши воқеалари баёнида шаҳар деворлари ва унга ўриятилган Хоқон ҳамда Мирза дарвозаларини эслатиб ўтади. Жумладан, у «хон ўз қўшинлари билан Хоқон дарвозаси қаршисида турди», — деб қайд этади²⁵.

¹⁹ Краткое описание Бухары и Хивы//Сибирский вестник. 1823. Ч. I, С. 13.

²⁰ Данилевский Г. И. Указ. соч. С. 103.

²¹ Костенко Л. Город Хива в 1873 году//Военный сборник. 1879. № 12. С. 321.

²² Данилевский Г. И. Указ. соч. С. 103.

²³ Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине//Туркестанский сборник. Т. 150. Спб., 1876. С. 430.

²⁴ Бабур-наме. Записки Бабура/Перевод Салье М. Ташкент, 2 изд. 1993. С. 29.

²⁵ Шах Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроника/Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели Акимовкина О. Ф. М., 1976. С. 219.

Қўқон хонлигининг Марғилон шаҳри ҳам девор билан ўралган эди, XIX аср бошларида шаҳарда бўлган Мир Иззат Улла: «Шаҳар лой девор билан ўралган бўлиб, у ҳозирда бузилиб кетган»²⁶,— деб қайд этади.

XIX аср бошларида Қўқон хонлиги тасарруфига киритилган шаҳарлардан бири Тошкент бўлиб, у ҳам ташқи деворга эга эди. Шаҳар деворига оид анча аниқ маълумотлар Нур Муҳаммад Алимовга тегишли бўлиб, 1735 йилда ёзиб олинган бу маълумотларга кўра, шаҳар «тўрт-бурчак гиштин девор» билан ўралган экан. «Шаҳар девори шундай кенгдирки, унда икки отлиқ киши бемалол юра олади; қоровуллар ҳужум қилиб келаётган душманини кўришлари билан отда чопиб ҳимояга тайёргарликка чақирадилар»²⁷,— деб кўрсатади шоҳид. 1800 йили шаҳарда бўлган россиялик М. Поспелов ва Т. Бурнашевлар бу маълумотни тасдиқлаб, шаҳар «баладлиги 26 фут, қалинлиги тепасида 3 фут, пастда эса 60 футга етувчи девор билан ўралган; унинг айланаси 18 чақиримга тенг»²⁸,— деб кўрсатадилар.

Қўқон хонлигидаги баъзи шаҳарлар эса деворлар билан ўралмаган эди. Улардан бири Қўқон бўлиб, 1812 йилда шаҳарда бўлган Мир Иззат Улла уни «деворлар билан ўралмаган катта шаҳар»²⁹, деб таърифлайди. Шу асрнинг 20-йилига оид маълумотларга кўра «Қўқон Сирдарё яқинидаги кенг паст текисликда жойлашган. Унинг атрофида ҳеч қандай истеҳком йўқ»³⁰ эди. Пойтахт шаҳар 1842 йилдагина девор билан ўраб олинган эди. Бу ўринда Бухородаги асирликдан қайтган Иван Марченковнинг Қўқон деворларини қуришга Бухоро амири асос солганилиги ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир. Унинг ёзишича, шаҳарни забт этган «амир Қўқон шаҳар деворларини қуриш учун ўз усталарини юборди, лекин исён кўтарган қўқонликлар ҳамма тугалладини қурилаётган девордан четлатиб, девор қурилишини ўзлари тугалладилар»³¹.

Сўнгги ўрта асрлар мобайнида айрим шаҳарлар ривожланиб, кенгайиб борган. Оқибатда шаҳар деворларининг айрим қисмлари қайта қурилган. Буни Бухоро шаҳри мисолида яққол кузатишимиз мумкин. Жумладан, шаҳар шайбоний ҳукмдорлар—Ўбайдуллахон, унинг ўғли Абдулазизхон ва Абдуллахон II даврларида анча кенгайди. Хусусан, Абдулазизхон даврида шаҳарнинг янги девори қурилиб, Абдуллахон II даврида эса унинг ғарбий қисми қайтадан тикланган. Аниқроғи,

²⁶ Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. С. 48.

²⁷ Рассказ Нур Мухамета, записанный в марте 1735 года в Оренбургской экспедиции, о киргизских ханах, городах—Ташкент, Туркестан и разных других// Материалы по истории России. Сборник указов и других документов, касающихся управления и устройства Оренбургского края. 1735- и 1736-й годы. Оренбург, 1900. С. 57.

²⁸ Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент. 1800 г.//Туркестанский сборник. Т. 343. СПб., 1883. С. 27.

²⁹ Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. С. 28.

³⁰ О нынешнем состоянии некоторых областей и городов в Средней Азии. С. 229.

³¹ Галкин М. Н. Показания русских пленных, возвращенных из Бухары в 1858—1859 гг. С. 51.

бу қисмдаги шаҳар деворлари нари сурилиб, атрофдаги ерлар шаҳар ичига киритилган эди³².

Шаҳарларнинг ўсиб бориши натижасида уларнинг деворлари янгиланиб борганлигини бошқа шаҳарлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Бухоронинг чегара шаҳарларидан бири ҳисобланган Керки ҳақида XVII аср муаллифи Маҳмуд ибн Вали «Ҳозирда шаҳар девори бузилиб кетган»³³, — деб қайд этади.

Бу ўринда XIX аср муаллифи А. Вамберининг ушбу шаҳар учта девор билан ўралгани ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир³⁴. Бу маълумот Бухоро хонлигидаги чегара шаҳарларни яхшироқ ҳимоялашга эътибор қаратилиб, уни бир неча деворлар билан ўралганлигига бир томондан ишора этса, иккинчи томондан эса шаҳар ҳудудининг кенгайиб борганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё хонликларидаги сиёсий ҳаёт тақозоси ва ташиқи хавф кучайган даврларда айрим шаҳар ва қишлоқларни ҳам деворлар билан ўраб олиш ишларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, XIX асрнинг 40-йилида Бухоро билан муносабатлари кескинлашиб кетган Хива хони айрим шаҳарларни девор билан ўраб олиш ҳақида буйруқ берган. Шу давр муаллифи Питнак шаҳри ҳақида ёзар экан, «Оллоқулихон 1842 йили уни девор билан ўраб олишга буйруқ берди, лекин иш бошданок тўхтаб қолди»³⁵, — деб қайд этади. Бундай ҳолатни Бухоро хонлиги мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, турли уруғ бошлиқларининг сиёсий чиқишлари кучайган давр — XVIII асрнинг 60—80-йиллари ҳокимият тепасида турган Дониёлбий томонидан «Зарафшонда талончилар тўдаси ҳужумидан сақлаш мақсадида жуда кўп қўрғонлар қурилган. Ҳатто кичкина қишлоқлар ҳам деворлар билан ўралган эди»³⁶.

Қайд этиб ўтиш лозимки, шаҳар деворлари доимо таъмирланиб турилган. Бу ишга аҳолининг кенг қатламлари жалб этилган. Шаҳар деворларини тузатишда иштирок этишни назарда тутган (буни Бухоро хонлиги мисолида кузатишимиз мумкин) «шаҳар мажбурияти» ҳам бор эди³⁷. Тошкентда эса шаҳар деворининг турли қисмлари шаҳарнинг тўрт даҳаси аҳлига тақсимланган бўлиб, улар деворни доимо таъмирлаб турганлар³⁸.

Марказий ҳокимиятнинг салоҳияти кучли бўлган йилларда шаҳар деворларини таъмирлаш ишлари фаол, давлатнинг раҳбарлиги остида амалга оширилган. Бу ҳолни тасдиқловчи мисоллар сўнгги ўрта асрлар тарихида кўп. Улардан бири ҳақида XVI аср муаррихи Ҳофиз Таниш Бухорий хабар беради. Унинг алоҳида қайд қилишича, шу асрнинг за-

³² Ремпель Л. И. Из истории градостроительства на Востоке (Материалы по планировке старой Бухары)/Искусство зодчих Узбекистана. Ташкент, 1962. С. 220.

³³ Маҳмуд ибн Вали. Указ. соч. С. 72.

³⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. М., 1867. С. 1. 92.

³⁵ Данилевский Г. И., Указ. соч. С. 103.

³⁶ Гребенкин А. Г. Родословная Мангытской династии//Туркестанские ведомости, 1871. № 4.

³⁷ Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары. Ташкент, 1936.

³⁸ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве//Собрание литературных трудов, СПб., 1898. С. 459.

бардаст ҳукмдори — Бухоро хони Абдуллахон II Шаҳрисабзга келган чоғида «унинг бузилган деворларини қайта тиклаш»ни буюрган³⁹.

Шу билан бирга XVIII—XIX аср биринчи ярмида айрим Ўрта Осиё шаҳарларининг деворлари путурдан кетиш жараёнини бошидан кечирди. Бунини кўриладиган даврга оид қўйидаги маълумотлардан кузатиш мумкин. XVIII асрнинг 20-йили шохидлардан бири Бухоро девори айрим жойларида «тез-тез тушиб турган»лигини қайд этган бўлса⁴⁰, XIX асрнинг 40-йили «Шаҳар девори бутун узунлиги давомида ташқи томондан анча яхши ҳолатда, ички томондан эса у нураб бормоқда»⁴¹, — деб кўрсатилган эди. Бу ҳолатни XIX аср муаллифи Самарқанд мисолида ҳам қайд этиб, унинг «Бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари каби айрим жойларида нураб тушаётган лой девори»⁴²ни эслатиб ўтади.

Шаҳар деворларининг путурдан кетиш жараёни Хивани ҳам четлаб ўтмайди. Бу ўринда XIX аср муаллифининг қўйидаги маълумотини келтириш ўринлидир: «дарвозалар олдида қоровуллар туришига қарамасдан, ўғирланган отлар осонлик билан нураб тушган шаҳар деворидан олиб ўтилади»⁴³.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, XIX аср биринчи ярмига келиб шаҳар деворлари ўзининг асосий ҳарбий аҳамиятини йўқота борган ва шаҳарни полиция назорати остида сақлаш имкониятини берувчи ташқи восита вазифасини ўтаган⁴⁴.

Сўнгги ўрта асрлар мобайнида шаҳар деворлари нафақат полиция назоратини ўрнатилиш учун, балки ташқи савдо алоқаларини тартибга солишда ҳам катта ўрин тутган. Жумладан, шаҳар деворлари олдида кўп ҳолларда божхоналар ҳам жойлашгани мумкин эди⁴⁵.

Келтирилган маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики, Ўрта Осиё шаҳарлари ҳаётида уларнинг ташқи ҳимоя воситаси ҳисобланган шаҳар деворларининг роли катта бўлган. Сўнгги ўрта асрлар давомида бу деворлар олдинги даврларда бўлгани каби шаҳар аҳлини ташқи хавфдан ҳимоя қилибгина қолмай, балки шаҳарлар ҳаёти ва ундаги тартиб-интизомни бир маромда ушлаб туришга хизмат қилган. Шаҳар деворлари, қолаверса, Ўрта Осиё жамиятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга хизмат қилган омиллардан бири ролини сўнгги ўрта асрлар давомида фаол адо этиб турган.

³⁹ Хафиз-и Таныш Бухари. Шараф-наме-йи шахи. С. 61.

⁴⁰ Посланик Петра I на Востоке. С. 124.

⁴¹ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. С. 79—80.

⁴² Хороший А. Самарканд (Листки из памятной книжки)//Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876. С. 208.

⁴³ Гельмерсен Г. А. Хива//Нива. 1873. № 10.

⁴⁴ Шишкин В. А. Указ. соч. С. 72.

⁴⁵ Маньковская Л. Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX — начало XX в.). Ташкент, 1980. С. 67.

Э. Нуриддинов

ИЗ ИСТОРИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ НАУЧНЫХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА

Научный потенциал Узбекистана является неотъемлемой частью общечеловеческой цивилизации. В настоящее время Узбекистан является крупнейшим в Средней Азии научным центром, где сосредоточено 60 высших учебных заведений, свыше 140 научно-исследовательских институтов, занято более 20 тысяч научных работников¹. Как подчеркивает Президент Узбекистана И. А. Каримов, «Узбекистан — богатая страна. Это сейчас признается всем миром. Но кроме богатых природных ресурсов мы обладаем еще одним неистощимым богатством — интеллигенцией страны, фундаментальной наукой, теоретической школой, интеллектуальным и научным потенциалом»².

Генератором важнейших прикладных и фундаментальных исследований является Академия наук Республики Узбекистан. Вся деятельность академии и ее научного потенциала ориентирована на решение приоритетных проблем общественного развития, в частности хлопкового комплекса, рационального использования минеральных ресурсов, энергосбережения и т. д. Всеобщего признания заслуживают работы ученых республики в области ядерной физики, физической электроники, математики, кибернетики и вычислительной техники, механики, геологии, археологии и других областей знаний. Все это ярко свидетельствует о зрелости научной мысли в республике.

Во время встречи с группой ученых — представителей АН Узбекистана И. А. Каримов, указывая на важность своевременной и полной информированности о мировых научных достижениях, отметил: «Чтобы добиться настоящего расцвета науки, нужно широко открыть двери во внешний мир»³. Для дальнейшего развития научного потенциала страны в республике проводится большая работа, направленная на поддержание тесных контактов с ведущими учеными и научными центрами мира. При этом правительство республики исходит из того, что долг государства заключается в создании необходимых условий для плодотворной и целенаправленной работы деятелей науки.

С установлением независимости в Узбекистане ведется плодотворная работа в развитии и укреплении связей ученых и научно-исследовательских институтов республики с учеными и научными учреждениями зарубежных государств, включая страны Европы. Эти связи осуществляются через установление контактов между научными учреждениями по совместному исследованию актуальных проблем, взаимные стажировки и научные командировки, а также участие в международных научных конференциях и симпозиумах. Они также осуществ-

¹ См.: Государственный департамент статистики. ММС РУз.

² Каримов И. А. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Т. 2. Ташкент, 1996. С. 76.

³ Каримов И. А. По пути созидания. Т. 4. Ташкент, 1996. С. 91.

ляются в форме обмена научными трудами, взаимными поездками ученых для чтения лекций и консультаций. Перечисленные формы сотрудничества создают необходимые условия для более глубокого ознакомления с научными достижениями и способствуют тем самым дальнейшему развитию научных контактов.

На основе межинститутских соглашений и договоров о сотрудничестве с зарубежными партнерами, подписанных Президиумом Академии наук Республики Узбекистан, успешно осуществляются совместные разработки актуальных научных проектов. Только в 1994 г. 26 научных учреждений системы АН РУз проводили совместные исследования с зарубежными учеными по 82 темам, шесть научных учреждений приняли участие в девяти международных программах.

Плодотворное развитие двусторонних связей между научно-исследовательскими институтами Узбекистана и стран Европы осуществляется в области естественных наук, в частности, между Институтом ядерной физики АН РУз и Берлинским институтом инновации, Институтом физики Университета г. Майнц (ФРГ), Брюссельским Свободным университетом (Бельгия), Международной школой военных исследований (Италия); Научно-производственным объединением «Физика-Солнце» АН РУз и II Институтом экспериментальной физики Гамбургского университета (ФРГ); Институтом биоорганической химии АН РУз и Берлинским институтом биохимии и молекулярной биологии (ФРГ); Институтом сейсмологии АН РУз и Парижским университетом им. Ж. Фурье (Франция) и др.⁴

Плодотворно развивают научные контакты с коллегами из Англии, Германии, Франции, Швеции, Венгрии, Польши и других стран ученые Института математики АН РУз, участвуя в совместных разработках сложных математических программ и, будучи постоянными участниками крупных международных конференций и симпозиумов, выступая с докладами, вызывающими интерес у зарубежных коллег.

В мае 1992 г. в Германии в Математическом научно-исследовательском институте проходил Международный симпозиум на тему: «История математики. Математические школы — генезис, структура, история деятельности». В симпозиуме принимали участие известные историки-математики из ФРГ, Франции, Нидерландов, США, Венгрии, Чехии и других стран. Нашу республику на этом симпозиуме представляла член-корреспондент АН Республики Узбекистан главный научный сотрудник Института математики АН РУз Г. П. Матвиевская. В ее докладе «Математические школы мусульманского средневековья» были освещены обстоятельства возникновения, характерные черты и основные достижения важнейших научных школ средневекового Ближнего и Среднего Востока — Багдадской (VIII—IX вв.), Марагинской (XIII в.) и Самаркандской (XV в.). Наряду с этим была показана роль выдающихся ученых Средней Азии, работавших в этих школах (ал-Хорезми, ал-Фергани, Ибн Сины, Беруни, Ибн Ирака), в развитии математики. Доклад

⁴ См.: Текущий архив управления международных научных связей Академии наук Республики Узбекистан.

Г. П. Матвиевской вызвал большой интерес у участников симпозиума. Ученые Х. Скриба, Г. Вуссинг, М. Фолькерте (Германия), Греттон-Гиннес (Англия), Я. Фолта, Л. Новай (Чехия), К. Шемла (Франция) и другие проявили желание развивать научные контакты с учеными Института математики АН РУз⁵.

Поступательное развитие международных научных связей Республики Узбекистан происходит не только в области естественных наук: они успешно развиваются и в области гуманитарных наук. Ученые этой сферы научных знаний, обмениваясь опытом, выезжают в творческие командировки в исследовательские учреждения ряда стран Европы, где осуществляют свои разработки. Имея возможность обмениваться мнениями с коллегами из европейских институтов, ученые Узбекистана создают труды, открывающие новые страницы в освещении жизненно важных проблем истории и современности.

В частности, учеными Института истории АН РУз велась разработка коллективной монографии по историографии, одна из глав которой шла под названием «Изучение истории Узбекистана (Средней Азии) в Германии. 1-ая треть XX века». Для сбора материала к этой главе в 1992 г. младший научный сотрудник Института истории АН РУз П. П. Воробьев был командирован на научную стажировку в Институт Европейской истории города Майнц в Германии. Здесь он также работал над сбором материалов по теме: «Средняя Азия во внешней политике Германии 1914—1945 гг.». За время стажировки для более полного научного исследования по разрабатываемым проблемам руководство Института Европейской истории города Майнц предоставило узбекскому ученому возможность посетить научные центры не только Германии, но Австрии и Великобритании⁶.

Результатом исследований стали сбор, обработка и систематизация значительного количества историографических источников по Средней Азии. Ученым были также изучены практически все основные труды немецких специалистов по Средней Азии. Кроме того, в архивах ФРГ были найдены уникальные документы, отражающие геополитические интересы Германии к Средней Азии, особенно в годы первой и второй мировой войн, материалы об экономических и культурных связях между Германией и Средней Азией в 1918—1920-е годы.

Плодотворной оказалась научная командировка в Германию (1995) и заведующей отделом историографии Института истории АН РУз доктора исторических наук Д. А. Алимовой, приглашенной для участия в совместных научных исследованиях руководством Гейдельбергского университета (ФРГ). В ходе совместных работ состоялось посещение Д. А. Алимовой научных центров Германии по изучению истории, культуры и языка народов Центральной Азии, встречи и обстоятельные беседы с профессорами Михаэлом Урсинусом, Ингеборг Бальдауф Вайерсом и др. Посетив Институт тюркологии Свободного университета в Берлине, Д. А. Алимова выступила с докладом на тему: «Современное

⁵ Там же. Отчеты за 1992 г.

⁶ Там же.

состояние исторических исследований в Узбекистане и проблемы историографии культуры в первой половине XX века». Доклад вызвал большой интерес у немецких тюркологов, изъявивших желание в дальнейшем проведении совместных исследований в данной области исторической науки⁷.

Плодотворные контакты с учеными европейских стран осуществляются и Институтом археологии АН РУз. Сотрудничество с зарубежными коллегами институт проводит на протяжении многих лет, но наиболее тесные взаимоотношения в выполнении программы совместных научных исследований сложились с обретением Узбекистаном независимости.

Институт археологии АН РУз заключил двусторонние договоры о научном сотрудничестве с учеными Франции, Германии, Италии, Польши и других стран. В Договорах предусматривается проведение совместных полевых работ и публикаций научных трудов, обмен стажерами, организация научных конференций и симпозиумов.

Ведущие ученые Института археологии АН РУз Т. Ширинов, Ю. Ф. Буряков, Р. Х. Сулейманов и мн. др. неоднократно выезжали и выезжают в зарубежные страны для участия в научных мероприятиях и обмена опытом работы. В плане совместных работ в октябре 1993 г. состоялась Первая узбекско-германская экспедиция, исследовавшая городище Джандавлаттепа в Сурхандарьинской области. Результаты экспедиции оказались результативными: были обнаружены ворота, остатки дворцового сооружения, исследована фортификация⁸.

Сегодняшние международные контакты ученых Узбекистана, их совместные разработки с зарубежными коллегами являются прямым свидетельством интеграционной направленности изыскательной деятельности отечественных исследователей, что вносит неоценимый вклад в обогащение базы национальной и мировой научной мысли.

⁷ Там же. Отчеты за 1995 г.

⁸ Там же. Отчет Института археологии за 1993 г.

Топонимика ва тарих

А. Муҳаммаджонов

«КАРМИНА» ЕКИ «КАРМАНА» ТОПОНИМИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Кармина¹ шаҳри Навоий вилоятида жойлашган қадимий масканлардандир. Вилоят ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотлар ва кузатишларининг натижаларидан маълум бўлишича Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган кенг бу ҳудудда аҳоли ўрта тош даврининг мустье (мил. авв. 150—140 минг йилликлар) босқичидан бошлаб яшаб келмоқда. Бунга мисол тариқасида Қалқонота қишлоғи яқинида Ўчтут мавзеида топиб текширилган мустье даври чақмоқ тош синдириб олинган хом ашё кони — сангбур, тош қуроллар ясаш устанонаси ва ибтидоий одамлар макони ҳамда янги тош (неолит) даври (мил. авв. V—VIII минг йилликлар)да чақмоқ тош бўлаклари кавлаб олинган энг қадимги кон «Ўчтут шахтаси»нинг ўрни ва лағмлари (туннель қолдиқлари), шунингдек, Сарминсой ва Бийронсой бўйлаб жез (бронза) давридан бошлаб тош илк ўрта асрларгача ўтган узоқ минг йилликлар мобайнида қадимги овчи ва подачиларининг қояларга ўйиб туширган турли мазмундаги тасвирлари ҳамда ов манзаралари каби ноёб осори антиқаларни санаб ўтиш мумкин.

Қалқонота ва Қонимех атрофларида қайд этилиб, тадқиқ этилган мил. авв. VI—IV ва милодий I—V асрларга мансуб қатор моддий маданият обидалари (Қумробод, Арабон ва Чордара каби қадимий қишлоқ харобалари, шунингдек, Шодибек, Шўровул ва Қалқонота мазор қўрғонлари)дан топилган археологик топилмаларга қараганда, қарийб минг йилликни қамраган бу даврда Кармина ҳудудида, ҳусусан дарёнинг ўнг томонида жойлашган унинг шимолий қисмида ўтроқ деҳқончилик ҳаёти анча гавжум бўлган.

Аммо Навоий вилояти, ҳусусан Кармина ҳудудининг қадимги тарихи, айниқса бу кўҳна масканда деҳқончилик ва чорвачилик ёки ҳунармандчилик каби касб ва ҳўжаликларнинг юзага келиши ва тараққиёти, қолаверса бу кўҳна заминда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши тарихига оид моддий маданият обидалари бизнинг давримизгача етиб келмаган. Ёзма манбаларда келтирилган бор маълумотлар эса, асосан кейинги даврларга—ўрта асрларга мансубдир. Бунинг устига улар ғоят қисқа ва узук-юлуқдур. Шу боисдан Кармина тарихи билан қизиқиб, унинг узоқ ўтмишини тадқиқ этишга бел боғлаган муаррихлар бу қадимги масканининг бир бутун тарихий манзарасини тасниф этиб, тарихшуносликда тўпланган бор маълумотларни мўъжазгина рисола

¹ Халқ талаффузида «Кармана» деб юритилади.

тариқасида баён қилиш имкониятидан маҳрумдирлар. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз бу кичик ахборотда Қармина шаҳри тарихига доир бор маълумотларни таҳлил этиб, бу қадимги сирли атаманинг этимологияси устида фикр юритмоқчимиз.

X аср Бухоро тарихчиси Муҳаммад Наршаҳий бу қадимги маскани қуйидагича таърифлайди: «Қармина Бухоро қишлоқлари жумласидан бўлиб, унинг суви Бухоро сувидан келади; хирожи Бухоро хирожига қўшилади. Унинг ўзига тегишли алоҳида бир қишлоқ ҳам бор: унда масжиди жоме барпо этилган»². Бухоро воҳасининг суғорма деҳқончилик ерлари Қармина ҳудудидан бошланган. Наршаҳийнинг таърифлашича, воҳанинг Зарафшон дарёсидан бош олган суғориш тармоқларидан дастлабки Қармина анҳори ҳисобланган. Уни Наршаҳий катта анҳор деб ёзади³. IX—X асрларда Бухоронинг деҳқончилик ерларидан хирож солиғидан тўпланган ҳар йилги даромад Қармина ерларини қўшиб ҳисоблаганда «бир миллион бир юз олтмиш саккиз минг беш юз олтмиш олти дираму беш ярим донакни ташкил этган»⁴. Кейинчалик Қарминанинг хирожи Бухоро хирожидан ажратилиб алоҳида олинган⁵. Қисқалигидан қатъи назар, бундан маълум бўлишича, Қармина Бухоро воҳасининг деҳқончилик рустоқлари (туман) қаторида жой олган. У Зарафшон дарёсидан чиқарилган алоҳида канал орқали суғорилган. Қармина рустоғи илк ўрта асрларда Бухоро воҳасининг 15 та деҳқончилик рустоқларини ўраб ўтган қадимги мудоффаи ишооти — Канпирак деворидан ташқарида жойлашган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу ташқи рустоқ Қармина⁶, баъзан эса Йасир номлари билан тилга олинади⁷. Рустоқнинг маркази ҳам Қармина номи остида шуҳрат топган. Наршаҳийнинг маълумоти бўйича, Бухоро билан Қармина оралиғи ўн тўрт фарсах (98—112 км) узунликка эга бўлган⁸. XII аср муаллифи Муҳаммад ас-Самъоний бу масофани ўн саккиз фарсах (120—144 км) га тенг бўлган деб ёзади⁹. Қармина рустоғи ҳудудидан оқиб ўтган Зарафшон дарёсининг ҳар икки соҳиллари бўйлаб Арфуд ёки Варқуд, Мизйамажкас, Харамкас ёки Харгонкас ва Харжанкас ҳамда Худиманкан каби катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар жойлашган¹⁰. Аҳоли яшаган бу қадимги географик пунктлар орасида энг гавжуми Қармина шаҳри ҳисобланиб, унда адиллар ва шoirлар кўп бўлган¹¹. Қарминадан шарқда қадимги Суғд йўли устида Арфуд ёки

² Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршаҳий. Бухоро тарихи. Тошкент: Фан, 1966. 20-бет.

³ Шу асар. 34-бет.

⁴ Шу асар, 35-бет.

⁵ Уша жойда.

⁶ Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана. Соч. Т. III. М.: Наука, 1965.

⁷ Adu Ishak al-Farisi al-Istarhri. *Viae regnorum*. Ed. M. J. Goeje, Lugduni Bata Vorum apud. E. J. Brill. 1967. BGA. V. I. pp. 313—314.

⁸ Наршаҳий. Уша асар. 20-бет.

⁹ Камалиддинов Ш. С. «Китаб ал-Ансаб» Абу Саъда Абдулкарима ибн Муҳаммада ас-Самъани, как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993. С. 64.

¹⁰ Шу китоб. 64-бет.

¹¹ Наршаҳий. Уша асар. 20-бет.

Варқуд қишлоғи жойлашган. Истахрийнинг ёзишича, Пойқанд томон йўналган карвон йўлининг ўнг томонида Карминадан бир фарсах ғарброқда Мизйаможкас, икки фарсах шарқда Суғд йўлидан чапроқда эса Худиманкан, шунингдек, бир фарсах нарида дарёнинг нариги томонида эса Харгонкас ёки Харжанкас номли қишлоқлар ўрин олган¹².

В. В. Бартольднинг этироф этишича, XII асрда Хоразмшоҳ Эларслонхон (1156—1172) томонидан Кармина шаҳри вайрон қилинган. 1153 йилда Урта Осиёнинг машҳур муаррихи ва адиби Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1153—1167) Бухородан Самарқандга қилган сафари вақтида Карминада бир кеча-кундуз тўхтаб уни харобазор бўлиб қолганини кузатган¹³. Кейинчалик у қайта тикланиб, XV асрда яна йирик шаҳарга айланган¹⁴.

Сўнгги ўрта асрларда, хусусан Бухоро хонлигида манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр (XVIII асрнинг охири ва XX асрнинг 20-йиллари)да Кармина вилояти алоҳида имтиёзли бекликка ажратилиб, у Бухоро амирининг валиаҳди томонидан бошқарилган. Жумладан, Амир Абдулаҳад ва Саййид Олимхонларнинг қароргоҳлари Кармина шаҳрида бўлган. Ҳатто Абдулаҳад вафотидан сўнг, майит Бухородан олиб келиниб, Карминада дафн этилган.

«Кармина» топонимининг этимологияси тўғрисида сўз юритишидан аввал, шунى қайд этиш ўринлики, бу атама ўрта аср ёзма манбалари, тарихий асарлар ва географик хариталарда турли шаклда қайд этилган. Масалан, барча ёзма манбаларда ва уларнинг ўзбекча, тожикча ва инглизча таржималарида «Кармина», русча таржималари ҳамда русий забон адабиётда, шу жумладан, географик хариталарда «Кармина», баъзан эса «Кармина» шаклида ёзилган. Бу тарихий кўҳна шаҳарнинг туб аҳолиси ўз она шаҳрини «Кармана» талаффузидан юритади.

«Кармина» топонимининг этимологияси тўғрисида ҳам ўрта аср ёзма манбаларида турлича талқинлар ва қиёслар келтирилган. Наршахий «Қадим вақтларда Карминани «Бодяйн Хурдак» («Кўзача») деб атаганлар» деган изоҳни беради¹⁵. Самъоний Кармина номининг келиб чиқишини арабларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши билан боғлайди. Унинг ёзишича, араблар даставвал Кармина ерларига қадам қўйганларида бу ҳудуднинг сувга сероблиги, ерларнинг ҳосилдорлиги ва теварак-атрофининг ободлигидан ҳайратга тушганлар. Бундай манзарани кўриб улар бу вилоятни Арманистонга қиёс қилганлар ва уни «Ка-Арминийа», яъни «Арманистонга монанд» деб атаганлар. Самъонийнинг бу қиёси «Карминийа» сўзини араб тили тилшунослиги асосида «Ка-Арминийа» шаклида талқин этиш асосида юзага келган халқ этимологиясидир. Ҳолбуки, «Кармина» топонимининг араб забон атамасунослигига ҳеч қандай алоқаси йўқдир.

Наршахийнинг Карминани қадимги номи — «Бодяйн хурдак» тўғрисидаги маълумоти эса, бевосита шаҳар ёки қишлоқ ҳақида эмас, бу

¹² Камолитдинов Ш. С. Уша асар. 64-бет.

¹³ Уша жойда.

¹⁴ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. М.: Восточная литература, 1963. С. 148.

¹⁵ Наршахий. Уша асар. 20-бет.

хўдуднинг эгаллаган ўрни табиатига оиддир. Икки сўз бирикмасидан ташкил топган бу топонимнинг биринчи қисми «бодия» эмас, «бодя» шаклида ёзилган. Бодия сўзи арабча бўлиб, у «кўза» маъносини эмас, «дашт», «чўл» ёки «саҳро»ни англатган. Бодия сўзига бириктирилган «хурд» сўзи эса, форсча бўлиб, у «кичик, майда» каби тушунчаларни билдирган. Бу сўзга бириктирилган «ак» суффикси воситасида у «жуда кичик, майдача» сифатига эга бўлган. «Бодияний хурдак» топонимини ҳосил этган. Бундай шаклда топоним «кўзача» эмас, балки «Кичик дашт» ёки «Даштча» маъносини англатган. Тарихда дашт ёки чўл аҳли ўзбек ва тожик халқлари тилларида «Бодия аҳли ва бодиянишин» каби иборалар билан аталиб келинган. Араблар эса даштликларни бадавий деб атаганлар. Қадимги Бодиявий хурдак даштининг шарқий қисми ўзлаштирилиб, илк ўрта асрларда Кармина рустоғи шакллланган, Зарафшон ва Нурота тизмаларининг ораллигида жойлашган бу даштлик ерларнинг ўзлаштирилмаган ғарбий қисми сўнгги ўрта аср ёзма манбаларида Чўли Малик ва Маликчўл номлари остида тилга олинади. Бухородан Самарқанд томон йўналиб, Чўли Маликни кесиб ўтган қадимги карвон йўли бўйлаб IX—XII асрларда қатор карвон саройлар ва работлар қад кўтарган. Вайроналари ҳозиргача сақланган Работи Малик ва Малик Сардоба каби иморату иншоотларнинг қолдиқлари ўша даврнинг нодир обидаларидан ҳисобланади. Шубҳасиз «Кармина» топоними тўғрисида юқорида келтирилган маълумотлар ушбу атаманинг турли шаклларда ёзилиши ҳамда ривоятларга асосланган унинг этимологияси бўйича баъзи бир ўхшатишларга оид бўлиб, «Кармина» топонимининг ҳақиқий этимологияси унинг морфологик таҳлили асосида аниқланади.

Аввало шуни қайд этиш жоизки, «Кармина» атамаси қандай шаклда ёзилмасин, у уч компонентли топонимлар қаторига киради. У сўз боғловчи суффикс морфема «кар», субстрат — ўзак «мни» ёки «ман» ҳамда ном ясовчи топоформант «а» бирикмасидан шакллланган. Атаманинг морфемаси «кар» аҳоли талаффузида кўпинча «ҳар», баъзан эса «қал» шаклларида юритилиб, ундаги дастлабки «к» ҳарфи «х» ёки «қ» ҳарфлари билан, охири «р» ҳарфи эса «л» ҳарфи билан ўрин алмашган. Натижада, Бухоро воҳаси тарихий географиясида «Харкон», «Харқон», «Харжон» ва «Қалқон» каби қадимий атамаларни юзага келтирган. Бу атамалар, гарчи «Кармина» топонимига бевосита алоқадор бўлиб, унинг турли шаклдаги лексемалари эканига шубҳа қолдирмаса-да, бироқ унинг этимологиясига аниқлик киритиш имконини бермайди. Бу борада масалани «Хар» морфемаси сифатдош тарзида бирикиб ҳосил этган айрим атамалар: Харсанг, Хартум, Харос, Хартанг ва Харчанг каби форс-тожик ва ўзбек тили хазинасида учрайдиган ҳамда маълум тугал фикрни англатадиган айрим атамаларнинг таҳлили воситасида маълум даражада ойдинлаштириш мумкин. Масалан, халқимиз йирик тошларни «Харсанг», тоғ тизмалари ораллигидаги қисқини «танг», кенгроқ қисқик ерларни эса «хартанг», панжалари йирик қисқичбақани «харчанг», шалпангқулоқ қуёни «харгўш», филнинг улкан тумшугини «хартум», ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган катта тегирмонни «Харос» номлари билан атаган.

Демак, бундай атамаларга бирикиб келган «хар» морфемаси «катта», «йирик» ва «улкан» каби сифатларни ифодалаган. Агар «Кармина» ёки «Кармана» атамасига бириккан «кар» морфемаси «хар» шаклида белгиланса, у вақтда топоним «Хармина» ёки «Хармана» талаффузини олади. Бинобарин «минман» субстратининг сифатдоши тарзида унинг катталигини ифодалаб, мазкур топоним этимологиясига маълум даражада аниқлик киритади. Хуллас, «Кармина» атамаси бундай шаклда «Катта мин» ёки «Катта ман» иборани вужудга келтиради.

Хўш, «мин» ва «ман» лексемалари қандай маънони англатади? Урта Осиёнинг тарихий топонимлари орасида «мин» ёки «ман» шаклдаги ўзақлар бирикмасидан иборат қатор атамалар: Зомин, Кармин, Фамин, Хушминжакат ҳамда Манкат, Гардман, Зарман, Зерман, Саман, Суман, Сарманган, Чорманган ва Худиманкон каби жойлар ёзма манбаларда қайд этилса-да, уларнинг аксарияти «ман» ўзақли атамалар билан боғлиқдир. Шуни эътиборга олганда фикримизча «Кармина» топонимининг асл ўзаги «мин» эмас, балки «ман» шаклида бўлган. Чунки «ман» сўгдийча сўз бўлиб, у «сарой», «кошона» ва «қароргоҳ» каби маъноларни англатган. Бундай таҳлилда «Кармина» эмас, «Кармана» топонимининг асл шакли «Харман» ёки «Хармана» бўлиб, у «катта сарой», «ҳашаматли кошона» ва «олий қароргоҳ» каби тушунчаларни билдирган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки Урта Осиёнинг тарихий топонимлари орасида тарихан кейингироқ даврларга оид Қорасарой, яъни Каттасарой, Оқсарой, Кўксарой, Уртасарой ва Бустонсарой каби қатор жой номлари учрайди.

Демак, «Кармана» ёки «Кармина» топоними аслида «Хармана» шаклида бўлиб бу ном «Катта сарой» маъносини англатган. Бундай ном билан шубҳасиз ўрта асрларда Бухоронинг шу номдаги рустоғи (тумани)нинг маркази ҳамда ҳукмдорлари валиаҳдларининг қароргоҳини улуғланганидан далолат беради*.

* Журнал бош муҳаррири М. М. Исҳоқовдан: Кармана (Кармина) топоними таркибида кара — «катта карвон йўли», маена (қадимги авесточа маедана) «ўрталіқ» қисмларига ажралади. Демак, Кармана «карвон йўли ярмида жойлашган манзил» деб изоҳланиши ҳам мумкин.

Тарихий атамалар масалалари

3. Чориев

«МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ» БИЛАН БОҒЛИҚ БАЪЗИ ТАРИХИЙ ИБОРАЛАР ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деб номланган рисоласи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «ЎЗР ФА Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори катта тарихий аҳамиятга эга бўлиб, улар Ўзбекистонда тарихий тадқиқотларнинг мазмунан ва ғоявий жиҳатдан юксалишига услубий асос бўлади. Шу маънода тарих фанининг долзарб йўналишларидан бири бўлмиш тарихий атамасунослик фанига алоҳида аҳамият бермоғимиз керак.

Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати босқичларининг аниқ даврлаштириш учун, аввало «миллий-озодлик ҳаракати», «мустақиллик учун кураш», «Ватан уруши» тушунчалари ва уларни ўзаро нисбатини ойдинлаштириб олиш зарур. У ёки бу тарихий ҳодисани бевосита таҳлил этиш зарурияти юқорида қайд этилган атамалар мазмунини белгилаб олишни тақозо этади. Улардан энг кўп қўлланиладигани «миллий-озодлик ҳаракати» атамасидир.

Миллий-озодлик ҳаракати — бу чет эл ҳукмронлиги, адолатсизликка қарши миллий зулмни тугатишга қарши қаратилган халқ ҳаракатидир. Бу ҳаракат миллий мустақилликка эришиш, миллий давлатчиликни қарор топтириш мақсадини ҳам ифодалайди.

Биринчидан, миллий-озодлик ҳаракати турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан, очиқдан-очиқ қўзғолонлар, қуролли чиқишлар, ҳарбий ҳаракатларни авж олдириш ва бошқалар (бунга миллий-озодлик ҳаракатлари ҳам кирази). Тинч сиёсий кураш, сиёсий чиқиш, митинглар, намойиш, иш ташлаш, матбуотдаги мусохаба, илмий мунозара, адабиёт, санъат соҳасидаги нашрлар, турли адабиётларда, очерк ва мақолаларда, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, кино, телевидение, театр, мусиқа асарларида миллий-озодлик ғояларини илгари суриш, урф-одат, анъаналар, тарихий хотиралар билан боғлиқ нашрлар шаклида ҳам бўлиши мумкин. У қонун доирасида парламент сайловларидаги кураш, сиёсий партиялар фаолиятида ҳам гавдаланади.

Иккинчидан, миллий-озодлик ҳаракати мустақилликни йўқотиш туфайли миллий зулм, адолатсизликка қарши, мустақил ривожланиш учун хавф туғилиш оқибатида келиб чиқади (М. Ганди ва Ж. Неру бошчилигидаги Ҳиндистонда инглиз колоннал ҳукмронлигига қарши ҳаракатни эслаш кифоя).

Учинчидан, миллий-озодлик ҳаракати, гарчанд ҳамиша бўлмаса-да, аммо баъзан турли мақсадлар йўлида ҳам олиб борилиши мумкин.

Жумладан, миллий тенгликка эришиш, кенг автономия (ўз-ўзини бошқариш), миллий маданиятни эркин ривожлантириш учун муайян тарихий шароит хусусияти билан боғлиқ ҳаракатлар ана шундай ҳаракатлардандир.

Миллий-озодлик ҳаракати у ёки бу мамлакатни мустақилликдан ажралиши билан беvosита боғлиқ бўлмай, миллий мустақилликка ташқаридан таҳдид мавжуд ҳолда чет эл ҳукмронлигига қарши қаратилган ҳаракат ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, турли даврларда Миср, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги бизга маълум бўлган миллий-озодлик ҳаракатлари бунга мисол бўлади. Мисрда XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 50-йилларигача; Эронда XX асрда, Туркияда XX асрнинг биринчи чораги ва ниҳоят, Афғонистон ва Эфиопияда XIX асрнинг охирларида ҳам бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ушбу ҳаракатлар мазкур давлатлар мустамлака бўлмаган, аммо уларнинг устидан бирор-бир давлат ўз ҳукмронлигини ўрнатиш аломатлари сезилиб турган вазиятда бўлиб ўтди. Бунда Миср, Эрон, Туркия, Афғонистон ва Эфиопия каби давлатлар 1935—1936 йилларгача худди Хитой сингари ташқи жиҳатдан мустақил давлат белгиларини сақлаб қолганлигини эслаш ўринлидир. Чет эл ҳукмронлигини ўрнатиш хавфи у тўла мустақиллиكنи йўқотишига олиб келади, ёхуд давлатнинг ташқи мустақиллик аломатлари сақланган ҳолда чет элнинг амалий ҳукмронлиги ўрнатилади, бу пировард натижада миллий-озодлик ҳаракатини уйғонишига олиб келади.

Мисол учун XIX асрнинг 30—50-йилларидаги Ўрта Осиёда бошланган воқеалар кенг кўламда авж олган озодлик ҳаракатининг дебocasи, яъни илк нишончалари пайдо бўлиши бўлди. 1839 йилдаги В. А. Перовскийнинг Хива хонлигига юриши тўла муваффақиятсизлик билан тугади. Россия империяси қўшинлари Хивага етиб бора олмадилар, лекин бу ишнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Перовскийнинг юриши Хивани забт этишга қаратилган эди. Бу юриш давлат мустақиллигига хавф солар эди (мустақиллик тўлиқ ёки қисман йўқотилиши мумкин эди). Бу ҳарбий юришга қарши табиий равишда миллий-озодлик ҳаракати бошланди. 1847 йилдаги Раим қўрғонининг қурилиши Хива ва Қўқон хонларининг хавотирланиши ва бу қурилишга турли хил кўринишларда қарши чиқишларига сабаб бўлди, зеро, бу қурилиш мазкур давлатларнинг мустақиллигига очикдан-очик таҳдид эди (қурилиш Россия империясининг ҳудудида олиб борилишига қарамасдан).

1853 йилдаги Перовский қўшинлари томонидан Оқмачитни эгалланишига қарши (худди шунга ўхшаш, лекин 1852 йилда муваффақиятсиз тугаган Бларамбергининг Оқмачитни эгаллаш ҳаракати) Қўқон хонлигининг қуролли чиқиши бўлди.

«Мустақиллик учун кураш» атамаси анча ихчам ва лўнда бўлиб, у тикланиш ёки миллий давлатни ташкил топиши деган аниқ маънони беради. Миллий-озодлик ҳаракати турли шиорлар остида ўтиши мумкин (шу жумладан, мустақиллиكنи тиклаш шиори ҳам). Мисол учун 1892 йилдаги Тошкентдаги қўзғолон ўз моҳиятига кўра, миллий-озодлик ҳаракатидир, аммо унда миллий-озодлик шиори йўқ, 1916 йилдаги қўзғолонда эса — бу шиор биринчи ўринга қўйилди (Тошкентда, Хў-

жандда, Самарқандда ва бошқа жойларда), 1898 йилги Андижонда, 1916 йилдаги Жиззах қўзғолонларида эса бу мақсад биринчи ўринга чиқди ва бу чиқишлар шубҳасиз, миллий-озодлик ҳаракатидир.

Айни пайтда мустақиллик учун кураш, миллий-озодлик ҳаракатининг ажралмас қисми сифатида, турли кўринишларда тинч, қуроли чиқишларда намоён бўлиши мумкин. Бунга мисол тарзда Туркистондаги, Ҳиндистон, Хитой, Болқон мамлакатлари, Олд Осиё мамлакатлари ва Икки дарё оралиги, Африка, Лотин Америкаси ва бошқа мамлакатлардаги чиқишларни келтириш мумкин. Мустақиллик учун кураш ўз-ўзидан равшанки, ҳамиша муваффақият қозонавермаган.

Марказий Осиё давлатларининг 90-йилларда мустақилликка эришиши, кўпгина Африка ва Олд Осиё давлатларининг турли хил кўринишида мустақиллигини қўлга киритиши бунга яққол мисолдир. Муҳими бу курашнинг сўнггида эришилган муваффақиятлар асосий ўрин тутди. Буни таъкидлаб ўтиш жоиздир.

«Ватан уруши» атамасида эса, шубҳасиз, миллий-озодлик ҳаракатида, мустақиллик учун кураш тушунилади. Назаримизда бу атамани кенг қўламда турли хил қуроли тўқнашувларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, айниқса, миллий-озодлик ҳаракати атамаси. Аввало бу атама дунё тарихий адабиётида кенг қабул қилинмаган. У Россия тарихшунослигида рус халқининг Наполеоннинг 1812 йилдаги босқини ва 1941—1945 йиллардаги фашизм босқинчиларига қарши курашга нисбатан қўлланган.

Юқорида таъкидланган атамаларнинг мазмун ва ифодасига кўра ҳеч қандай салбий жиҳати йўқ, у бемалол қўлланилиши мумкин. Лекин дунё тарихий адабиётида улар умум қабул қилинмаган. Ҳар қандай адолатли, озодлик урушлари ҳам «Ватан уруши» бўлавермайди, масалан, Наполеонга қарши 1813—1814 йиллардаги ва Японияга қарши 1945 йилдаги урушларга нисбатан бу атамалар, ҳатто рус тарихий адабиётида ҳам ишлатилмайди.

Ўзбекистон тарихшунослигида 1941—1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган урушга нисбатан «Улуғ Ватан уруши» атамаси ишлатилди. Ўзбекистон гитлерчиларга қарши курашда фаол қатнашди ва катта талофат (Ўлми киши) кўрди. Гап шундаки, фашизм эгаллаган мамлакатлар ҳудудида мустақилликка таҳдид мавжуд эди. Гитлер Германияси ва унинг иттифоқчиларининг асл мақсадлари, дунёда ҳукмронлик ўрнатиб АҚШ ва Англия ҳудудларини эгаллаш режалари барчага маълум. Бу давлатларда антигитлерчилар ҳаракати авж олиб, улар фашизмга қарши курашаётган эди.

Иккинчидан, миллий-озодлик ҳаракатларининг ҳаммасини ҳам Ватан уруши деб бўлмайди.

Учинчидан, Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатига нисбатан бу атамани ишлатиш мулоҳазалидир. Ватан уруши узоқ тарихий йилларга чўзилиб, душмани ҳайдаш билан тугайди. 1868 ва 1873 йиллардаги Россия-Бухоро, Россия-Хива урушларини «Ватан уруши» деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Бу урушларни «миллий-озодлик кураши» деб аташ қўғри бўлади. Мазкур урушда Ватан урушининг аломатлари мавжуд, лекин унинг кўлами ва характерига кўра, «Ватан

уруши» атамасини бунда қўллаб бўлмайдди (тарихий адабиётларимизда бу атамага кўпроқ Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолончиларнинг ҳарбий ҳаракатлари тўғри келади). Ватан уруши деганда душманга қарши ҳукуматнинг доимий ҳаракатдаги армияси ва халқнинг биргаликдаги кураши тушунилади.

1875—1876 йиллардаги воқеалар — миллий-озодлик («Ватан») характеридаги курашлар ҳақида гапирганда, ўша пайтдаги Қўқон ҳокимиятини бошқарган Худоёрхон ва Насриддинбек чор маъмурияти «раҳнамолиги» ва «ҳимояси»га ўтишганлигини, Пўлатхоннинг мунтазам бўлмаган армиясининг бир қисми кенг халқнинг исёнчилик ҳаракати эканлигини ва биринчи, иккинчи босқичларда бу кураш феодал ва ички сиёсатга қарши кураш характериға эға бўлишини таъкидлаш лозим. Нафақат 1885, 1892, 1898 йиллардаги қўзғолонларға, ҳатто 1916 йилги умумхалқ озодлик қўзғолонига ҳам бу атама тўғри келмайдди, чунки унда мунтазам армия йўқ эди. Чор жазо қўшинларига қарши бир неча қуроли қаршиликлар бўлган, холос. Буни 1918—1924 йиллардаги «Истиқлолчилар ҳаракати» билан ҳам боғлаб бўлмайдди. Бу халқнинг норозилик, яъни шўролар ҳукмронлигининг ўрнагилишига қарши исёнчилик ҳаракати эди, баъзи босқичларда марказлашган тизим асосида ҳаракатлар олиб борилган бўлишиға қарамай, кўп ҳолларда у, асосан партизан ҳаракати кўринишида эди.

Илмий атамашунослик ҳақида сўз кетганда «халқ ҳаракати» («халқ кураши»), «феодализмға қарши кураш» («феодализмға қарши ҳаракат» «империализмға қарши ҳаракат», «миллий-озодлик уруши» каби атамаларни ҳам қисқача изоҳлаб ўтишға тўғри келади. Чунки миллий-озодлик ҳаракатлари муаммоларини ўрганишда юқоридаги атамаларға тез-тез дуч келамиз.

«Халқ ҳаракати» атамаси «миллий-озодлик ҳаракат»лари таҳлилида кўпроқ ишлатилади. «Халқ ҳаракати», «халқ кураши» каби тушунчалар умуман фақатгина миллий-озодлик ҳаракатлари доирасида қўлланилмайди. У кенг халқ ҳаракатини, унинг турли қатламларини, турли ижтимоий гуруҳларни у ёки бу ғоялар асосида бутун халқни бирлаштиради. Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари айнан оммавий халқ ҳаракати тарзида бўлган эди.

Халқ ҳаракати одатда у ёки бу аниқ талаблар, жумладан, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий талаблар билан чиққан ҳаракатлар бўлиши мумкин. У тарқоқ ёки маълум даражада сиёсий жиҳатдан уюшган бўлиши мумкин. Халқ ҳаракатлари асосан миллий мустақиллик, миллий давлатчилик шиорлари остида ўтган. Шундай қилиб, оммавий халқ ҳаракати кўпинча, миллий-озодлик ҳаракати шаклида вужудға келади (ва; ҳолонки, «миллий-озодлик ҳаракати» атамаси кенг бўлиб, фақат халқ ҳаракати эмас, ўзида турли ҳаракат шакллариини қамраб олади).

Шу билан бирға «миллий-озодлик ҳаракати» атамаси «миллий-озодлик уруши» тушунчасини ҳам ифодалайди.

Бу атамадан мустақил мамлакатнинг бирон бир хавфға қарши қуроли қаршилик кўрсатиши, босқинчиларға қарши уруши, колониал таъйиққа қарши қуроли қўзғолони, қуроли кураши тушунилади.

Бу атамада миллий зулмга қарши, озодлик ва истиқлол учун «адолатли» уруш тушунчаси ҳам ифодаланишига қарамай, «миллий-озодлик ҳаракати» атамасига кўра тор маънони касб этади. Миллий-озодлик ҳаракати тушунчаси кенг қўламли бўлиб, миллий-озодлик уруши унинг маълум бир шаклини англатади. «Миллий-озодлик уруши» атамаси адабиётда кенг қўлланилиб, «миллий-озодлик инқилоби» тушунчасига яқиндир, бу ҳам чет элликлар асоратидан қутулиш, миллий истиқлол учун, миллий колониал зулмни тугатиш, миллий давлат тузиш учун курашишни назарда тутadi. Миллий-озодлик инқилоблари ва миллий-озодлик урушларининг мазмуни, ижтимоий-иқтисодий вазифалари, мамлакатнинг ички шарт-шароитлари ҳамда ҳар қайси даврнинг характери билан белгиланади. Бунга Осий ва Африкадаги XX аср ўртаси ва охиридаги кўплаб ҳаракатларни, XVI асрдаги Нидерландия инқилобини, XVIII аср охирида АҚШ даги мустақиллик учун курашни, Америка инқилобини, Лотин Америкасидаги XVIII аср охири XX аср бошидаги миллий-озодлик урушларини, Испания, Португалия ва бошқа давлатлардаги Наполеон зулмига қарши миллий-озодлик урушларини ва «инқилоблар»ни келтиришимиз мумкин.

1848 ва 1859—1860 йиллардаги Италиядаги миллий-озодлик урушлари, XX аср бошларидаги Туркия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Индонезиядаги ҳаракатлар ҳам мисол бўлади. Кўп ҳолларда улар миллий фронтда ҳамма сиёсий кучларни бирлаштириб, феодал империалистик тузумларга қарши миллий-озодлик курашини олиб бордилар.

Улар учун қуrolли курашлар услубидан фойдаланиш характерлидир, уларда кўпинча миллий-озодлик шиорлари феодализмга қарши характердаги талаблар билан (ер масаласи, қишлоқ хўжалиги масаласи) ва энг асосийси миллий-озодлик, истиқлол ғоялари устун бўлган.

Миллий-озодлик ҳаракатлари атамаси бошқа ҳолатда «милитаризмга қарши ҳаракат» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, милитаризм сиёсати, мустамлакачилик урушлари ва халқларнинг асоратга солинишига қарши кураш шаклида ўтган. Кўпинча унга яқин маънода «империализмга қарши ҳаракат» атамаси қўлланилади¹.

«Феодализмга қарши ҳаракат» атамаси ҳам миллий-озодлик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб, мустақил феодализмга қарши ҳаракат саналади. Бунда халқ феодализмдан ҳоли, ерга эга, феодал солиқларга қарши, феодал давлат тузумга қарши туриб ҳаракатланади. Муайян шарт-шароитларда бу ҳаракат миллий-озодлик кураши даражасига кўтарилиб, тўла мустақил ҳаракатга айланиб кетиши мумкин (масалан, Қўқон хонлигидаги Пўлатхон қўзғолони, Англия, Франция, Германия,

¹ Марксистик атамашуносликка кўра, бу атама кейинроқ пайдо бўлиб, лотин, кейинроқ инглизча атама бўлиб, ҳокимият, ҳукмронлик маъносини англатиб, тарихшуносликда турли оқимлар, мафкуравий йўналишларда қўлланилади. Марксистик йўналишдан ҳоли адабиётда бу атама ташқи экспансия сиёсати маъносидида қўлланилган. Бу йўналишда П. Т. Муш, Р. Грандаль, Ж. А. Гобсон, Ч. К. Гобсон, Ю. Кучинский, М. Павлович, Е. В. Тарледо, Т. Веблен, В. Рёпке, А. Хансен, Ж. К. Гэльбрейт, Г. Шульце-Геверниц, В. Зомбарт ва бошқа муаллифларнинг йирик тадқиқотларини келтиришимиз мумкин.

Россия ва Марказий Осиё давлатлари тарихида феодализмга қарши кўплаб ҳаракатларни келтиришимиз мумкин).

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин:

1. Шубҳасиз халқнинг миллий-озодлиги, миллий ва колониал зулмга қарши курашини ифодаловчи асосий ва аниқловчи атама сифатида «Миллий-озодлик ҳаракати» атамаси саналади;
2. Миллий-озодлик кураши бирмунча тор, лекин муҳим аҳамиятли маънони касб этади. «Миллий-озодлик ҳаракати» тушунчаси бошқа атамалар билан узвий боғлиқдир. Миллий мустақиллик учун кураш, айни пайтда, миллий давлатчиликни қуриш учун ҳам кураш демакдир;
3. Миллий-озодлик ҳаракатларининг шакллари аниқловчи асосий атамалар сифатида «миллий-озодлик уруши», «Ватан уруши», «халқ ҳаракати», «империализмга қарши ҳаракат», «милитаризмга қарши ҳаракат» атамаларини қўллашимиз мумкин. Миллий-озодлик ҳаракатининг тор ёки конкрет шакллари (қўзғолон, парламент услубларини қўллаш, яъни «тинч кураш», ғалаён, иш ташлаш, куч ишлатилмаган қаршилик, миллий-озодлик ҳаракатининг амалий санъат, адабиёт ва умуман маънавий ҳаётда намоён бўлиш шакллари)ни аниқлаб кўрсатиш;
4. Тарихийлик нуқтан назаридан айрим миллий-озодлик ҳаракатлари фақатгина ўзига хос маълум тарихий шароитда рўй бериши мумкин. Масалан, 1812 йилдаги Наполеоннинг Россияга ҳужуми ва халқларнинг мунтазам армияга қарши узоқ муддат олиб борган мустақиллик учун кураши ва 1941—1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган Шарқий фронтдаги уруш жаҳон тарихшунослигида «Ватан уруши» атамаси билан ифода этилмаган;
5. Айрим тарихий категориялар миллий-озодлик ҳаракатининг у ёки бу тарихий вазиятдаги кўринишини ифода этиши мумкин. Бунда ўша вақт тарихий жараёнлари миллий-озодлик ҳаракати билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Халқ ҳаракати бошқа турли тарихий сабаблар негизида келиб чиқиши мумкин. Масалан, у миллий-озодлик ҳаракатининг ўсиши билан ёки сиёсий, ижтимоий, иқтисодий сабаблар билан ҳам бўлиши мумкин. Масалан, халқ манфаатларига зид урушларда қатнашишига қарши антимилитаристик ҳарбий ҳаракат, Бошқа тушунчалар миллий-озодлик ҳаракати билан боғлангандир (мисол учун «миллий-озодлик уруш»лари).
6. Антифеодал ҳаракатлар муайян тарихий вазиятларда миллий-озодлик ҳаракатининг бир қисми бўлиши мумкин. Лекин у ўзининг харақтерига кўра мустақил сиёсий-ижтимоий ҳаракат (буни тарихий мисолларда кўришимиз мумкин) у миллий-озодлик ҳаракати билан боғланмаган ҳолда келиб чиқади.

Амалий вазифалар нуқтан назаридан қараганда, Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати тарихи, уни аниқлаштириш билан боғлиқ тушунча ва атамаларни илмий, тўғри талқин этиш, мустақил Ўзбекистонда миллий давлатчилик ғояларини ривожлантириш билан боғлиқ тарихий заруриятдир.

МҲНДАРЖА

Д. Алимона. Единство просвещения, знания и этики поведения	3
С. Қудратов. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари	9
Р. Сулейманов. Появление города на Еркургане в процессе урбанизации и сложения государственности на территории Узбекистана	14
Г. Богомолов. Атар и следы культа огня в Чаче	23
А. Холматов. Сугд ёзма ёдгорликларида ижтимоий ҳаёт муносабатларининг акс этиши	38
Б. Бобокулова. Документы, связанные с кожевенным делом в Согде	42
Қ. Содиқов. Қултегин ва Билга хоқон битиклари: тарихий маъбанинг мати тузилиши	45
Б. Кочнев, Э. Ртвеладзе. Фельсы Термеза 346/957—958 гг. тюркского амира Куттегина	53
Г. Аъзамова. Сўнги ўрта асрлар ўрта Осиё шаҳарлари: умумийлик ва хусусийлик (шаҳар деворлари мисолида)	56
Э. Нуриддинов. Из истории международных научных связей Узбекистана	<u>64</u>

Топонимика ва тарих

А. Муҳаммаджонов. «Кармина» ёки «Кармана» топонимининг этимологияси ҳақида	68
--	----

Тарихий атамалар масалалари

З. Чориев. «Миллий-озодлик ҳаракати» билан боғлиқ баъзи тарихий иборалар хусусида	<u>73</u>
---	-----------

Мухаррирлар: А. С. Михерева, М. Саидова
Техмухаррир: Л. П. Тюрича

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00208. Теринга берилди 26.11.99. Босишга рухсат этилди 23.12.99.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16}. Адабий гарнитура. Юқори босма. Офсет қоғози. Шартли босма т. 6,45.
Хисоб нашриёт т. 5,1. 500 нусха. Буюртма 70. Баҳоси 200 с.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, акад. Я. Гуломов кўчаси, 70.

ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Х. Абдуллаев кўчаси, 79.

